

**Коррупция тушунчаси, келиб чиқиш
сабаблари, ижтимоий хавфлиги
ҳамда унга қарши курашишнинг
ижтимоий-ҳуқуқий асослари
(Коррупцияга қарши курашиш бўйича
ваколатли органлар**

Машғулот раҳбари Комплаенс назорат
ва коррупцияга қарши курашиш бўлими бошлиғи С.Халилов

Коррупция нима?



Коррупция

- ❖ давлат ҳокимиятидан шахсий манфаат учун фойдаланиш.

БМТнинг Коррупцияга қарши Конвенцияси

- ❖ шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш.

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддаси

- ❖ «хокимиятни чиритиш оркали сотиб олиш».

Коррупция сўзининг ижтимоий
қуринишининг маъноси

КОРРУПЦИЯНИНГ ТУРЛАРИ



МАИШИЙ КОРРУПЦИЯ -
давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида фуқаролар ва давлат хизматчилари ўртасида вужудга келадиган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик.



БИЗНЕСДАГИ КОРРУПЦИЯ -
тадбиркорлар ва давлат хизматчилари ўртасида вужудга келадиган муносабатлардаги коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар.



ҲОКИМИЯТДАГИ КОРРУПЦИЯ - давлат ҳокимият органларида мансабдор шахслари томонидан содир қилинадиган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик.



КОРРУПЦИЯНИНГ

3 сабаб

1. Иқтисодий — давлат хизматчиларининг паст ойлик маоши, уларнинг тадбиркор ва фуқаролар фаолиятига таъсир кўрсатишда юқори ваколоти.

2. Институционал — давлат идоралари ишидаги ёпиқлик, ҳисоботлар тизимидаги қўшиб ёзишлар, қонунчилик тизимида шаффофликнинг йўқлиги, давлатнинг кучсиз кадрлар сиёсати.

3. Ижтимоий-маданий — жамиятнинг интизомсизлиги, фуқароларнинг тартибсизлиги ва ахборотга эга эмаслиги, жамоатчилик пассивлиги.



КОРРУПЦИЯНИНГ САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИ:



Коррупция:

- демократия ва ҳуқуқ устуворлиги асосларига путур етказади;
- инсон ҳуқуқлари бузилишига олиб келади;
- бозор иқтисодиётининг ривожланишига тўсқинлик қилади;
- ҳаёт сифатини ёмонлаштиради;
- давлат бюджетига зарар етказади;
- уюшган жинойтчилик, терроризм ва бошқа ҳуқуқбузарликлар учун шароит яратиб беради.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ:



- БМТнинг 2003 йил 31 октябрдаги “Коррупцияга қарши” Конвенцияси (Ўзбекистон томонидан **2008 йил 7 июлда** қабул қилинди);
- Ўзбекистон Республикасининг **2017 йил 3 январдаги** ЎРҚ-419-сонли “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари (**2020 йил 29 июндаги** ПФ-6013-сонли, **2021 йил 6 июлдаги** ПФ-6257-сонли, **2021 йил 6 июлдаги** ПҚ-5177-сонли. **2022 йил 12 январдаги** ПҚ-81-сонли);
- Коррупцияга қарши курашиш бўйича **2021-2022 йилларга** мўлжалланган Давлат дастури (**2021 йил 6 июлдаги** ПФ-6257-сонли Фармон билан тасдиқланган);
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари (**2020 йил 31 декабрдаги** 829-сонли) ва бошқ.

“КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА 2021-2022 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ДАВЛАТ ДАСТУРИ”ДА ҚЎЙИДАГИ БЕШТА ЙЎНАЛИШ БЕЛГИЛАНДИ:

- I. Коррупцияга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш;
- II. Давлат харидлари соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш;
- III. Коррупцияга қарши курашиш тузилмалари фаолиятини такомиллаштириш;
- IV. Коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро стандартларни жорий қилиш ва халқаро ҳамкорликни кучайтириш;
- V. Давлат органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш.

Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПФ-6257-сонли “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган.





Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” Қонуни



Қонун 34 моддадан иборат бўлиб, ушбу ҳужжатда:

- коррупция атамасининг тушунчаси, коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари, ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, коррупцияга қарши курашувчи ваколатли органлар ва уларнинг вазифалари, коррупцияни олдини олишга доир чора-тадбирлар, коррупцияга қарши

**Коррупцияга қарши
курашишнинг
асосий
принциплари**
*(Қонуннинг 4-
моддаси)*

қонунийлик;

**фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний
манфаатларининг устуворлиги;**

очиқлик ва шаффофлик;

тизимлилик;


**давлат ва фуқаролик жамиятининг
ҳамкорлиги;**

**коррупциянинг олдини олишга доир чора-
тадбирлар устуворлиги;**

жавобгарликнинг муқаррарлиги

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ:

- 1) аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;
- 2) давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;
- 3) коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш
(Қонуннинг 5-моддаси).




Коррупцияга қарши кураш сиёсат 1979 йилдан эътиборан Хитойда 1 млн. мансабдор шахс коррупцион жиноятлар содир этгани учун жиноий жавобгарликга тортилган. Хитой раҳбарияти томонидан 2012 йилдан амалга оширилаётган коррупцияга қарши кураш доирасида коррупцион жиноятлар содир этган 13 000 (!) мансабдор шахс қатл этилган. 2018 йилда коррупцион жиноят содир этган 160 000 давлат идораларидаги мансабдор шахс жавобгарликга тортилган.




«Осмон тўри» дастури ХХРда 2014-2016 йиларда амалга оширилган «Осмон тўри» дастури доирасида 90 ортик давлатларда яшириниб юрган коррупцион жиноятлар содир этган 2566 мансабдор шахслар ва улар томонидан жиноий йўллар билан олиб чиқилган 8,6 млрд.юан (1,25 млрд долл.)





Гонгконгда коррупцияга қарши кураш сиёсати йўналишлари:

“Мол-мулкини
пора эвазига
орттирмаганини
исботла!” деган
тамойил
ўрнатилди




Қоррупцияга қарши кураш
бўйича Комиссия фаолияти
устидан зиёлилар ва
тадбиркорлардан иборат
жамоатчилик назорати жорий
этилди

XX аср ўрталарида
Гонгконг коррупция
“ботқоғига ботиб қолган”
(давлат ҳокимияти
органлари 94%
коррупциялашган) эди

1974 йили М.Мюррей
мустақил ҳеч қайси
давлат органига
бўйсунмайдиган
Қоррупцияга қарши
кураш бўйича
Комиссияни тузди

Маҳаллий ОАВ томонидан эркин
тарзда коррупция билан боғлиқ ҳар
қандай янгиликларни эълон қилиш
ва журналистик суриштирувлар олиб
бориш фаолияти тўлиқ равишда
таъминланди

Сингапур Республикасининг коррупцияга қарши кураш сиёсати принциплари



Бельгиянинг Брюгге шахрининг Ратуша судида нидерланд рассоми Герард Давиднинг «Камбис жазоси» ва «Порахўр судьянинг териси шилиниши» диптих расмлари жойлашган. Диптих 1498 йил яратилган.



Одил судлов тизимида коррупцияни тугатиш сиёсати юзасидан қадимги форс давлати – Аҳмонийлар салтанатида шафқатсиз жазолар бериш орқали кураш олиб борилган. Хусусан, тарихчи Геродотнинг хабар беришича, шоҳ Кир II нинг ўғли Камбис II даврида тарафларнинг бирдан пора олгани учун Сисамн исмли судьянинг тириклайин териси шилиб, ўтирган курсисига тортиб қўйилган ҳамда унинг ўғли шу вазифага тайинланган, токи судда иш кўраётган чоғида қайси курсида ўтирганини унутмасин. Ана шундан сўнг қадимги форс судьялари орасида бирорта ҳам порахўрлик ҳолати аниқланмаган.



**«Менда иккита йўл бор эди:
Биринчиси — ўғирлаш ва дўстларим
ҳамда қариндошларимни «Форбс»
рўйхатига киритиш, бу билан
халқимни қуруқ ерда қолдириш.
Иккинчиси — халқимга хизмат
қилиш ва мамлакатни дунёнинг энг
яхши давлатлари ўнлигига
киритиш. Мен иккинчисини
танладим...»**

**Ли Куан Ю, Сингапур “иқтисодий
мўъжизаси” асосчиси**



Исроилнинг 5-Бош вазири Голда хоним Меир шундай васият қолдирган экан:

"... Агар Сиз ўғил-қизлари унга доимо қайтадиган, аҳолиси ундан фақат таътил мавсумидагина четга чиқадиган, унинг ҳудудида келажак учун қўрқув ҳисси бўлмайдиган Ватан қурмоқчи экансиз, қуйидаги икки қадамни қўйинг:

1. Коррупцияни ватанга хоинликка, коррупционерни эса энг ашаддий сотқинга тенглаштиринг.
2. Ҳарбийлар, ўқитувчилар ва шифокорларни энг катта маош тўланадиган касб эгаларига айлантиринг.

Энг муҳими, меҳнат қилинг, меҳнат қилинг ва меҳнат қилинг. Негаки, Сизни ўзингиздан бошқа ҳеч ким ҳимоя қилмайди, боқмайди. Сизнинг Ватан ўзингиздан бошқага керак эмас. Агар, ана шу айтганларим оддий сўз ва шиор бўлиб қолмасдан, турмуш тарзингизга айланса, Сиз ўз мақсадингизга эришган бўласиз."



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ АГЕНТЛИГИ

**Коррупцияга қарши курашиш агентлиги махсус
ваколатли орган бўлиб:**


- коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш учун масъул орган ҳисобланади;

- Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунди ва Олий Мажлис палаталари олдида ҳисобдордир.


Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сонли “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони билан ташкил этилган.

You can stop
CORRUPTION

Коррупцияга қарши курашиш сиёсатининг норматив-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришни стратегик йўналишлари



Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашишнинг институционал тизимини қуйидагилар ташкил этади:



Коррупцияга қарши кураш сиёсатини шакллантириш борасида ваколатли органлар



Ўзбекистон
Республикаси
Бош прокуратураси

Ўзбекистон
Республикаси
Адлия вазирлиги



Ўзбекистон
Республикаси
Давлат
хавфсизлик
хизмати

Ўзбекистон
Республикаси
Бош
прокуратураси
хузуридаги
иқтисодий
жиноятларга
қарши курашиш
департаменти




Ўзбекистон
Республикаси
Ички ишлар
вазирлиги



Коррупцияга қарши курашиш бўйича
фаолиятни қонун ҳужжатларига
мувофиқ бошқа давлат органлари ҳам
амалга оширади


Коррупциявий ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизими



**Давлат солиқ
хизмати органлари**



**Ўзбекистон
Республикаси Экология
ва атроф-муҳитни
муҳофаза қилиш давлат
қўмитаси органлари**



**Меҳнат
органлари**



**Таълимни давлат
томонидан
бошқариш органлари
ва таълим
муассасалари**



**Давлат соғлиқни сақлаш
tizimini бошқариш
органлари ва соғлиқни
сақлаш муассасалари**

Агентликка «Коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларнинг очиқ электрон реестри»ни юритилиши юклатилди (2021 йил 6 июлдаги ПФ-6257-сонли Фармони).

**Реестрга
киритилган
шахсларга
қуйидагилар
тақиқланади:**

- давлат хизматига кириш ва давлат мукофотлари билан тақдирланиши;

- сайланадиган ва алоҳида тартибда тайинланадиган лавозимларга номзодларининг кўрсатилиши;

- давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари ҳамда идоралараро коллегиял органларнинг аъзоси бўлиш;

- улар томонидан таъсис этилган ва (ёки) улар иштирокчиси ҳисобланган тадбиркорлик субъектлари давлат харидларида ва давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда иштирокчи (ижрочи) сифатида қатнашиш;

- давлат активларини хусусийлаштириш билан боғлиқ тендер ва танлов савдоларида иштирок этиш;

- давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган ташкилотлар ҳамда давлат таълим муассасаларида раҳбарлик лавозимларида фаолият юритиш.



2022 йил 1 январдан бошлаб, қўйидаги шахсларнинг даромадлари ва мол-мулкини мажбурий декларация қилиш тизими жорий этилиши белгиланди:

- давлат хизматчилари, давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган ташкилотлар, давлат корхоналари ва муассасалари раҳбарлари ва ўринбосарлари, уларнинг турмуш ўртоғи ва вояга етмаган фарзандлари.

Давлат хизматчиси томонидан декларацияни тақдим этишдан бош тортиш ва қасддан нотўғри маълумотларни киритиш:

- уни давлат хизматидан четлаштиришга ва
- қонунда белгиланган жавобгарликка тортишга асос бўлади;

2022 йил 1 январдан бошлаб давлат хизматчиларига республика ҳудудидан ташқарида:

- ҳисобрақамлар очиш ва эгаллик қилиш;
- нақд пул маблағларини сақлаш;
- кўчмас ва бошқа мол-мулкка эга бўлиш тақиқланади.



Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПҚ-5177-сонли “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан жорий этилди.



Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПҚ-5177-сонли қарори

2021 йил 1 октябрдан бошлаб барча давлат органлари ва ташкилотларида мавжуд штат бирликлари доирасида коррупцияга қарши ички назорат (комплаенс) тузилмалари фаолияти йўлга қўйилиши белгиланди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январдаги ПҚ-81-сонли “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, қўйидагилар белгиланди:



Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш қуйидаги бешта йўналиш бўйича белгиланган индикаторлар асосида амалга оширилади:

1) давлат ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш бўйича механизм ва ҳуқуқий асосларнинг яратилганлиги ҳамда амалиётга татбиқ этилганлиги;

2) коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва уларни камайтириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилганлиги;

3) давлат ташкилотлари раҳбарларининг коррупцияга қарши мурасасиз муносабатни кўрсатувчи хатти-ҳаракатларининг мавжудлиги;

4) ходимларнинг коррупцияга қарши курашишга оид ички тартиб-таомиллардан хабардорлиги ҳамда ушбу соҳада билим ва кўникмаларини ошириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилганлиги;

5) коррупцияга қарши курашиш бўйича тегишли соҳа ёки тармоқ кесимида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ушбу иллатга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган тарғибот тадбирларининг самарадорлиги.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5843-сон фармони асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги ПҚ-4472-сон “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан Агентлик Низоми тасдиқланди.

Низомнинг 3-бандига асосан Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги давлат органлари ва ташкилотларида инсон ресурсларини ривожлантириш ҳамда ходимларни бошқариш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш учун масъул бўлган давлат фуқаролик хизмати ишлари бўйича ваколатли давлат органи ҳисобланади.

Низомнинг 12-бандига асосан Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ўз зиммасига юклатилган вазифаларга мувофиқ бир қатор функцияларни амалга ошириши белгиланган. Улар ичида давлат фуқаролик хизматчиларида юксак касб этикаси, коррупцияга тоқатсиз муносабатни ва унга қарши курашиш маданиятини шакллантириш;

давлат фуқаролик хизматчиларида юксак касб этикасини, коррупцияга тоқатсиз муносабатни ва унга қарши курашиш маданиятини шакллантириш бўйича таъсирчан чораларни кўриш;

давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш, давлат фуқаролик хизматчиларига юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни сингдириш дастурлари ишлаб чиқилишини таъминлаш (и) функциялари белгиланган.

1

2017 йил 8 сентябрдаги
Ўзбекистон Республикаси
Президентининг «Ўзбекистон
Республикасида Маъмурий
ислохотлар концепциясини
тасдиқлаш тўғрисида»ги
ПФ–5185-сон фармони

2

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 02.02.2017
йил лдаги “Коррупцияга
қарши курашиш
тўғрисида”ги ЎЗР.
қонунининг қоидаларини
амалга ошириш чора-
тадбирлари тўғрисида»ги
ПҚ-2752-сон қарори

3

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 27
майдаги ПФ-5729-сонли
“Ўзбекистон Республикасида
коррупцияга қарши курашиш
tizimini янада
такомиллаштириш чора-
тадбирлари тўғрисида”ги
Фармони

4

2019 йил 9 январдаги,
Ўзбекистон Республикаси
Президентининг «Жамиятда
ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий
маданиятни юксалтириш
tizimini тубдан
такомиллаштириш тўғрисида
ПФ-5618-сон Фармони

5

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 29
июндаги ПФ-6013-сонли
“Ўзбекистон Республикасида
коррупцияга қарши курашиш
tizimini такомиллаштириш
бўйича қўшимча чора-
тадбирлари тўғрисида”ги
фармони

6

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил
5 апрелдаги Ўзбекистон
Республикасининг фуқаролик
қонунчилигини
такомиллаштириш чора-
тадбирлари тўғрисида
Ф-5464-сон фармойиши

7

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 16
апрелдаги «Соғлиқни сақлаш
соҳасида давлат-хусусий
шерикликни ривожлантириш
чора-тадбирлари тўғрисида»ги
ПҚ-4290-сон қарори

8

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил
29 апрелдаги «Ўзбекистон
Республикаси халқ таълими
tizimini 2030 йилгача
ривожлантириш концепциясини
тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-
5712-сон фармони

Манфаатлар тўқнашувининг кўринишлари

Лоббизм

(инглиз. lobby – кулуар, коридор)

расмий вакиллар билан
норасмий шахсларнинг ўзаро
учрашиб, расмий қарорлар
устунлик қабул
қилишдаги сиёсий таъсирнинг
ўзига хос тури

Раҳнамолик, фаворитизм (фр. favorit)

химоя остидаги айрим
ходимларни яқин олиш ва
қуллаб-қувватлаш

Клиентелизм (ингл. clientelism,
лот. clientēla - миждоз) - юқори
лавозимдаги мансабдор шахс ва
унга хайрихоҳ бўлган шахслар (мансабдор шахслар,
тадбиркорлар, сиёсий гуруҳлар)



Протекционизм (лот. кўмаклашиш)

маълум бир шахсларни лавозимга
тайинлашга кўмаклашиш

Непотизм (лот. nepos жиян)

қариндош-уруғчилик, ҳудудий
ёки этник принциплар асосида
давлат тузилмаларида ёки бошқа
тузилмаларда тор гуруҳчилик
манфаатлари билан иш кўриш

Кронизм (инглиз. хамфикр, таниш билишчилик, гуруҳбозлик)

лавозимларни таниш-
билишчилик асосида дўстларга
бериш

Пантуфляж (фран. шиппакни
алмаштириш) – давлат хизматчиси
давлат секторидан кетиб, хусусий
секторга ишга жойлашиши

Коррупцияга қарши курашишда манфаатлар тўқнашуви

Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва муассасаларда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий таълим ва тарбия қоидалари белгиланган. Шундан келиб чиқиб, жамиятда коррупцияга қарши муросасиз бўлиш туйғусини шакллантириш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 829-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 7-бандига асосан ...

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки унга қарши бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни бир марталик қўйидаги рағбатлантириш шакллари белгиланди:

1) пул мукофоти

2) ташаккурнома ёки эсдалик совға
(БҲМнинг 2 бараварида)

3) қонун ҳужжатларига мувофиқ **давлат мукофоти**га тавсия этиш

КОРРУПЦИЯГА ОИД ҲУҚУҚБУЗАРЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

Коррупцияга оид маъмурий ҳуқуқбузарликларга қўйидагилар киради:



Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш (МЖтК 61¹-модда);

Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш (МЖтК 193¹-моддаси);

Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкӣ манфаатдор бўлиши (МЖтК 193²-моддаси).

Коррупцияга оид жиноятларга қўйидагилар киради:



Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш (ЖК 167-моддасининг 2-қисми «а» банди);

Фирибгарлик (ЖК 168-моддасининг учинчи қисми «в» банди);

Тижоратда пора эвазига оғдириб олиш (ЖК 192⁹-модда);

Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш (ЖК 192¹⁰-модда);

Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш (ЖК 205-модда);

Мансаб сохтакорлиги (ЖК 209-модда);

Пора олиш, пора бериш, пора олиш-беришда воситачилик қилиш (ЖК 210, 211, 212-моддалар);

Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш (ЖК 213-модда);

Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкӣ манфаатдор бўлиши (ЖК 214-модда);

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш (ЖК 243-модда);

Ҳокимиятни суистеъмол қилиш, ҳокимият ваколатидан ташқарига чиқиш ёки ҳокимият ҳаракатсизлиги (ЖК 301-модда).

Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 829-сонли “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори билан тасдиқланган Низомнинг 3-банди билан белгиланган.

Коррупцияга оид жиноятлар учун жавобгарликнинг жиҳатлари



Коррупцияга оид қилмишлар учун жавобгарлик.

- ❏ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (192-1-192-11, 205-214 м.м.) .
- ❏ Ўзбекистон Республикасининг МЖТК (15, 61-1, 179-3, 179-5, 215-3, 241-1-241-11 ва ҳ.к. М-лари).
- ❏ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси (6, 34, 78, 79 ва ҳ.к.м-лари).

Коррупцияга қарши курашга қаратилган миллий қонунчилик

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (192¹-192-¹¹, 205-214, 243 м.м.);

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (15, 61¹, 179³, 179⁵, 215³, 241¹-241¹¹-м.м.);

ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ!